



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси

Инновацион ривожланиш вазири

Харид Комиссияси Раиси

И.Абдурахмонов

“14” апрель 2022 й.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Энг яхши таклифларни танлаш мавзуси:

“Комплекс реклама хизматларини кўрсатиш”

БУЮОРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

## **Мундарижа**

I. Қатнашчига кўрсатма.

II. Энг яхши таклифларни танлашнинг таклиф шакллари.

III. Етказиб бериладиган маҳсулот(хизмат)га нарх ва техник талаб,  
(топшириқ, вазифа)лар.

IV. Тижорат қисми.

V. Шартнома шакли.

## I.БОБ. ҚАТНАШЧИГА КҮРСАТМА

### **A.Умумий маълумот**

Энг яхши таклифларни танлаш предмети

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари

Қатнашчига энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Энг яхши таклифларни танлаш доирасида хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

### **Б. Энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари**

Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларининг таркиби

Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларига аниқлик киритиш

Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

### **В. Энг яхши таклифларни танлаш хужжатларини тайёрланиши**

Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш харажатлари

Энг яхши таклифларни танлашда қўлланиладиган тил

Энг яхши таклифларни танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунириш

Муқобил таклифлар

Энг яхши таклифларни танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

### **Г. Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши**

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини <https://xarid.uzex.uz> да жўнатишини белгилаш

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларни топширишнинг охирги муддати

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларнинг очилиши

### **Д. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларни баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни баҳолаш Таклифларнинг мос келмаслиги

### **Е. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

## **А.УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети**

Энг яхши таклифларни танлашни комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидалари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш

тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширади.

### **Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:**

Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бино-иншоотларида Комплекс реклама хизматларини кўрсатиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш назарда тутилган.

**Хизматларнинг максимал умумий нархи бир ойга 165000000,0 сўм.  
(умумий сумма 990 000 000,0)**

Энг яхши таклифларни танлашга қўйилган товар(хизматнинг) нархи йил ойларига тенг тақсимланади.

Ишлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг тижорат ва техник топширик қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати (апрель-декабрь) 2022 йил 31 декабрга қадар.

### **2. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Бюджетдан ташқари ҳомийлик маблағлар ҳисобидан Комплекс реклама хизматларини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифларни танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талаблари асосида хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тартиби - бир босқичли ва электрон тартибда.

**Буюртмачи** - Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

Манзили: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 7 уй.

Энг яхши таклифларни танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – бош мутахассис М.Муҳиддинов.

Телефон: 71-203-32-23, +99890-352-99-92

### **3. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазифалари:**

- энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлашни ўтказади;
- энг яхши таклифларни танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида карор қабул қилиш;
- энг яхши таклифларни танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган коивертларни очади, уларнинг энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқиша нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка хамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини

назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Энг яхши таклифларни танлашнинг ташкилотчиси** - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасиниг [www.xarid.uzex.uz](http://www.xarid.uzex.uz) порталида эълон беради;
- энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг вазифалари:**

- катнашчиларнинг энг яхши таклифларни танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қиласида ва кўриб чиқади;
- энг яхши таклифларни танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қиласида.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан катъий назар, энг яхши таклифларни танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- факат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

#### **5. Қатнашчига энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тайёрлайди ва энг яхши таклифларни танлаш комиссиясини хабардор этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Энг яхши таклифларни танлаш катнашчиларини малакали энг яхши таклифларни танлаши Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган энг яхши таклифларни танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидаи саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва энг яхши таклифларни танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

**5.2. Малакали энг яхши таклифларни танлашдан ўтган қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига электрон тарзда <https://xarid.uzex.uz> портали орқали тақдим қиласди. Таклифда талабгор номи, манзили ва Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этажтан лот рақами кўрсатилган бўлиши лозим**

- Ўхшаш хизматларни амалга ошириш тажрибаси тўғрисида маълумот / Информация об опыте оказания аналогичных услуг;
- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида Гувохнома нусхаси / Копия документа о свидетельстве Государственной регистрации организации;
- Техник таклиф / Техническое предложение;
- Кафолат хати / Предоставление Гарантийного письма;
- Танлов иштирокчилари ҳакида умумий маълумот / Общая информация об участнике отбора.

**5.3. Катнашчи энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз хисобидан қоплади.**

**5.4. Энг яхши таклифларни танлашда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.**

Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби — таклифларни баҳолаш якунлари бўйича энг яхши таклифларни танлашда энг паст нарх таклиф килган ҳамда энг юқори балл олган энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи — энг яхши таклифларни танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф ва юқори балл олган қатнашчи.

**5.5. Энг яхши таклифларни танлашга қуидаги қатнашчилар куйилмайди:**

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун конуний қуқукка эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб-рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённада ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай ракобат тартибини кўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

**6. Энг яхши таклифларни танлаш доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш.**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда энг яхши таклифларни танлаш тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг таркиби.**

7.1. Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиси унга берилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлик ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига тўлик тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш.**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун энг яхши таклифларни танлаш комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин;

8.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда энг яхши таклифларни танлашнинг барча катнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг комиссия карорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳаклидир.

## **В. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ.**

### **10. Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш харажатлари**

10.1. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар катнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх энг яхши таклифларни танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Энг яхши таклифларни танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармаларга мажбурий тўловлар

киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи энг яхши таклифларни танлаш таклифлари исталган босқичда, энг яхши таклифларни танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан кўриб чикилиши рад этилади.

### **11. Энг яхши таклифларни танлашда қўлланиладиган тил.**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

### **12. Энг яхши таклифларни танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар.**

12.1. 5.2-бандда келтирилган ҳужжатлар, электрон тарзда қабул қилинади. Хатда иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва энг яхши таклифларни танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Хатда(таклиф) — маҳсулотни етказиб бериш жадвали, энг яхши таклифларни танлаш таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси лозим бўлганда Энг яхши таклифларни танлаш қатнашчиларидан тақдим этилган Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб килиши мумкин.

### **13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш.**

13.1. Қатнашчи энг яхши таклифларни танлаш таклифини қатъий равища мазкур энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифи шаклларидағи барча бўш графалар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини энг яхши таклифларни танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

### **14. Муқобил таклифлари.**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган энг яхши таклифларни танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

### **15. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш.**

15.1. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун катнашчи энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсинииг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йукотади ва рад этилади.

## **Г. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИИГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

### **16. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини белгилаш.**

16.1. Энг яхши таклифларни танлаш катнашчиси энг яхши таклифларни танлаш таклифларини мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиши шарт.

16.2. Қатнашчининг энг яхши таклифларни танлаш таклифи, энг яхши таклифларни танлаш очилган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш катнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (электрон) кўринишида расмийлаштирилади.

### **17. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати.**

17.1. Катнашчиларнинг энг яхши таклифларни танлаш таклифлари <https://xarid.uzex.uz> электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан топширилади (шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади).

17.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар энг яхши таклифларни танлаш катнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Энг яхши таклифларни танлаш катнашчиси томонидан энг яхши таклифларни танлаш хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур энг яхши таклифларни танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган хужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **18. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг очилиши.**

18.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан \_\_\_\_\_ кундан кўп бўлмаган муддатда энг яхши таклифларни танлаш комиссияси энг яхши таклифларни танлаш таклифлари келиб тушган электрон таклифларни очади.

Таклифларни очиш <https://xarid.uzex.uz> маҳсус ахборот порталда электрон тарзда мустақил электрон ракамли имзо рқали амалга оширилади.

18.2. Таклифлар очилгандан кейин энг яхши таклифларни танлаш

қатнашчилари энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, энг яхши таклифларни танлаш хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлаконли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида энг яхши таклифларни танлаш хужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан катнашчига қайтарилади.

18.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада энг яхши таклифларни танлаш қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва энг яхши таклифларни танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари билдирилган таклифларни кўриб чиқиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

#### **Д. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

##### **19. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш.**

19.1 Уч ёки ундан ортиқ электрон танлов иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилади.

19.2. Электрон танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда танлов айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ тақорор амалга оширилади.

19.3. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи тақлиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан тақлиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг тақлифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

19.4. Агар танлов тақлифи Конуннинг ва танлов хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов тақлифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг карори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

19.5. Танлов тақлифларини баҳолаш вактида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов тақлифлари

юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

19.6. Танлов таклифи танлов ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

19.7. Танлов таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифининг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равища амалга оширилади.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифининг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

19.8. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равища:

танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлов таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захира ижроисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

19.9. Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади.

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон ракамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

19.10. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

19.11. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон ракамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равища эълон қилинади.

Бунда, баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вакт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;

танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;

электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

19.12. Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

19.13. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши мажбур.

## **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **20. Шартномани расмийлаштириш.**

20.1. Буюртмачи ва энг яхши таклифларни танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома энг яхши таклифларни танлаш ғолиблари тўғрисида ваколатли органнинг <https://xarid.uzex.uz> махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб беш кун муддат ичида тузилади. Бунда энг яхши таклиф танлаб олингандан кейин тузилган баён асос ҳисобланади ҳамда мазкур баён юзасидан икки кунлик муддат ичида таклиф ва эътиrozлар келиб тушмаган тақдирда энг яхши таклифларни танлаш амалга ошган деб ҳисобланади.

20.2. Агар Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби шартнома тувишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қарорига мувофик кейинги энг кўп баллга эга бўлган заҳирадаги қатнашчини энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки тақорорий энг яхши таклифларни танлаш ўтказиши тайинлаши мумкни.

### **21. Шартномани имзолаш.**

21.1. Ғолиб қатнашчи 5 (беш) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

21.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган заҳирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

21.3. Энг яхши таклифларни танлаш ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## **II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШНИНГ ТАКЛИФ ШАКЛЛАРИ.**

### **22. Иштирокчилар учун тақлиф шакллари.**

22.1. Иштирокчилар учун махсус ахборот порталининг электрон тарздаги майдончаларини куйидаги маълумотлар билан тўлдирадилар:

- Ўхшаҳ хизматларни амалга ошириш тажрибаси тўғрисида маълумот / Информация об опыте оказания аналогичных услуг;
- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида Гувохнома нусхаси / Копия документа о свидетельстве Государственной регистрации организации;

- Техник таклиф / Техническое предложение;
- Кафолат хати / Предоставление Гарантийного письма;
- Танлов иштирокчилари ҳақида умумий маълумот / Общая информация об участнике отбора.

Ушбу маълумотлар ваколатли органнинг <https://xarid.uzex.uz> махсус порталида белгиланган катакларга юкланган ҳолда тақдим этилади.

### **ШАБДОЛЛАРГА МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБ(ТОПШИРИҚ, ВАЗИФА)ЛАР**

#### **23. Умумий маълумотлар.**

23.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Комплекс реклама хизматларини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати. Бажариладиган хизматларнинг умумий миқдори 1-жадвалда келтирилган.

23.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

23.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

23.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлиб 2022 йил 31 декабригача (апрель-декабрь).

23.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг бюджетдан ташқари ҳомийлик маблағлари хисобидан.

23.6. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги учун комплекс реклама хизматларини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати.

#### **1-ЖАДВАЛ**

#### **Комплекс реклама хизматларини кўрсатувчи учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати**

| <b>№</b> | <b>Маҳсулот (хизмат) номи</b>  | <b>Ўлчов бирлиги</b> | <b>Сони</b>                        |
|----------|--|----------------------|------------------------------------|
| 1        | Комплекс реклама хизматларини кўрсатиш (Техническое обслуживание системы вентиляции и кондиционирования) | Хизмат               | 1 (Апрель-Декабрь ойлари 2022 йил) |
|          |  |                      |                                    |
|          |  |                      |                                    |
|          |  |                      |                                    |

**Хизмат кўрсатиш юзасидан техник топшириқ рус тилида илова қилинади.**

## **IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ**

### **1. Тижорат таклифлар баҳоси ва уни белгилаш тартиби.**

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар ва зарур жиҳозлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан энг яхши таклифларни танлаш, соликлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган энг яхши таклифларни танлаш таклифлари энг яхши таклифларни танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, энг яхши таклифларни танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

### **2. Энг яхши таклифларни танлаш валютаси.**

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда такдим этилади.

### **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати.**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати \_\_\_\_\_ 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 2022 йилгача давом этади.

### **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали.**

